

А Ж Р И М

(жиноят ишени ярашув асосида тугатиши ҳақида)

2022 йил 8 июль куни жиноят ишлари бўйича Олмазор туман суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, судья Х.Содиқовнинг раислигида, судья ёрдамчиси Ш.Каримовнинг котиблигида, тарафлардан Олмазор туман прокурорининг ёрдамчиси А.Абдузоҳиров, судланувчи Ж.Ҳабибуллаев ва унинг адвокати О.Зупаров, жабрланувчи Ж.Собиров иштирокида, Ҳабибуллаев Жавоҳир Шерзод ўғлига оид 1-1008-2202/449-сонли иш кўриб чиқилди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Ҳабибуллаев Жавоҳир Шерзод ўғли (Habibullayev Javohir Sherzod o'g'li), 15.11.2000 йилда Сирдарё вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, бўйдоқ, маълумоти ўрта-маҳсус, муқаддам судланмаган, вақтинча ишсиз, Тошкент вилояти, Зангиота тумани Қуёшли МФЙ Мафтункор кўчаси 45-хонадонда яшовчи, иш бўйича “қамоққа олиш” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини ўз вақтида олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатмаларини эшитиб, уларнинг ярашув ҳақидаги аризаларини муҳокама қилиб, тарафларнинг фикрини тинглаб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Ж.Ҳабибуллаев 2022 йил 26 март куни соат 19:00 ларда ўзганинг мулкини фирибгарлик йўли билан қўлга киритиш мақсадида, Олмазор тумани Мискин МФЙда жойлашган “Мустанг” АЁҚШ ёнида жойлашган автомашина устахонаси ёнида, шу ерда бўлган, Ж.Собировга тегишли нархи 1.000.000 сўмлик “Самсунг А 20” уяли телефон апаратидан фойдаланиб туриш учун ундан алдаб олиб, гўёки ўзининг таниши билан телефон орқали суҳбатлашиётгандек ўзини тутиб, ўз ишлари билан чалғиган вақтида “Самсунг А 20” уяли телефон апаратыни қўлга киритиб, жиноят содир қилган жойидан яшириниб, телефон апаратыни сотиб юбориб, ўзининг эҳтиёжи учун ишлатиб юборган.

Судда судланувчи Ж.Ҳабибуллаев, қилмишига тўлиқ иқрорлиги ва чин қўнгилдан пушаймонлиги, жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплаб, у билан ўзаро ярашганини билдириб, ўзига оид жиноят ишени ярашув асосида тугатишни сўради.

Судда жабрланувчи Ж.Собиров судланувчи Ж.Ҳабибуллаев ундан кечирим сўрагани, етказилган моддий ва маънавий зарарни тўлиқ



қоплагани, унга нисбатан даъвоси йўқлиги, судланувчи билан ўзаро ярашгани, ярашув ихтиёрий бўлиб, ҳеч ким тазйиқ ўтказмагани, суд ярашувни тасдиқлаган тақдирда, мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотиши тушунарли эканини билдириб, Ж.Ҳабибуллаевга оид жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси тўртинчи қисмида, жабрланувчи Жиноят кодексининг 66¹-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи билан ярашган тақдирда жиноят иши ушбу Кодекснинг 62-бобида белгиланган тартибда суд томонидан айблилик ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан тугатилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Шунга кўра суд, судланувчи Ж.Ҳабибуллаевга оид жиноят ишини Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми ва ЖКнинг 66¹-моддасига асосан, унинг айблилик ҳақидаги масалани ҳал қилмасдан туриб тугатишни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 582-583, 585-586-моддаларига қўлланиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми билан айбланган Ҳабибуллаев Жавоҳир Шерзод ўғли (Habibullayev Javohir Sherzod o'g'li)га оид жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми ва ЖКнинг 66¹-моддасига асосан, унинг айблилик ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан туриб тугатилсин.

Ж.Ҳабибуллаевга нисбатан қўлланилган “қамокқа олиш” эҳтиёт чораси “муносиб ҳулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чорасига ўзгартирилиб, у дарҳол қамокдан озод қилинсин ва “муносиб ҳулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси ажрим қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Иш бўйича етказилган зарар қопланганлиги инобатга олинсин.

Ажримдан норози томонлар 20 (йигирма) кун ичида хусусий тартибда шикоят ва протест келтиришлари мумкин.

Раислик қилувчи

Х.Содиқов

